

“КЕЛИШИЛДИ”

Жиззах давлат педагогика  
Институтини қасаба уюшмаси  
раиси Д.Очилов

2021й



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах давлат педагогика институти  
ректору Ш.Шарипов

2021й



Тиббиёт ходимлари учун меҳнат муҳофазаси йўриқномаси



Жиззах 2021йил

13310000  
11398111  
2331 854268  
3668340



Тиббиёт ходими учун меҳнат муҳофазаси ва техника  
хавфсизлиги бўйича йуриқнома -

1.1. хамширалар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ушбу йуриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 07 январда 870-рақам билан давлат рўйхатга олинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йуриқномалар ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Намунавий низом асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Хамширалар ўзларининг малакаси ва иш стажидан катъий назар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича иш жойида “Дастлабки” ва ҳар 3 ойда “Даврий” йўл-йўриқ оладилар.

**Иш бошланишидан олдинги хавфсизлик талаблари**

1. Ходим ишга кирганда тиббиёт хонасидаги барча жихозларни далолатнома асосида қабул қилади ва топширади.
2. Тиббиёт хонаси учун хавфсизлик ва шахсий гигиена қоидалари ишлаб чиқилган бўлиши шарт, бунинг учун хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилган ва қузга қуринадиган жойга илинган бўлиши керак.
3. Тиббиёт ходими тиббиёт хонасидаги барча жихозлар, дори-дармонлар учун жавобгар ҳисобланади. Тиббиёт ходими иш жойида махсус кийим кийиши, сочлари йиғиштирилган бўлиши ва шахсий химоя воситаси билан таъминланган бўлиши керак.

**Иш пайтида хавфсизлик талаблари.**

4. Электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш тақикланади, электр лампаларини узингиз мустақил алмаштирманг, электр асбоблардан ток ураётганини сезишингиз билан ёки музлатгич ишламаса хужалик мудирига хабар беринг.
5. Мактаб раҳбарининг махсус руҳсатисиз жихозларни фойдаланиш учун арендага бериш ман этилади;
6. Тиббиёт ходими ҳар куни укувчилар давоматини қуриб чиқади ва улар соғлигини текшириб туради.
7. Муассасада ишлаётган ходимларни ва укувчиларни белгиланган муддатларда тиббий қуриқдан утишини назоратга олади.
8. Қунгитлсиз ҳолатлар руй берса ёки инфекция қасалиқлар аниқланган бўлса маъмуриятга ёзма хабар бириш талаб этилади.
9. Тиббиёт ходимининг иш режаситасдикланган бўлиши талаб этилади.
10. Мактаб раҳбарининг руҳсати билан укувчилар саёхатга олиб чиқилса ёки сузиш хавзаларига борсалар тиббиёт ходимининг бориши талаб этилади.
11. Мактаб ошхонасидаги тайёр таомлар истеъмол учун берилишидан олдин тиббиёт ходими назоратдан утқазади.
12. Мактаб ошхонаси, омборхонаси ва уларда сақланаётган озик-овқатлар санитар-гигиена қоидаларга жавоб беришини катъий назоратга олиб боради.
13. Мактаб ҳудуди, синф хоналари тозалигини назорат қилади.
14. Белгиланган муҳсус режа асосида ходимлар ва укувчилар билан соғлом турмуш тарзи борасида суҳбатлар ташқил этади.
15. Иш жойида спиртли ичимлик ичиш ёки чекиш ман этилади.
16. Тиббиёт ходимиға мурожаат этган ходим ёки укувчиға эътиборсизлик қилиш мумкин эмас.
17. Иш жойингизни ишга кераксиз нарсалар билан тулдириб ташламанг. Хамқасблар билан хушмомалада булинг.
18. Меҳнат муҳофазаси техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиши шарт.



**Иш тугандаги хавфсизлик талаблари.**

19. Тиббиёт ходими тиббиёт хонасидаги барча жихозлар, дори-дармонларни ўз жойига қўйиши, махсус кийимни белгиланган жойга ечиб илиб қўйиш керак. Хона санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳолатда тозаланиб эртанги иш куни учун тайёр бўлиши керак. Барча тиббий асбоб-ускуналарни хавфсиз ҳолатда жойлашишини
20. таъминлаши керак. Иш тугаганда хона калитини хужалик ипшари буйича раҳбар уринбосарига ёки раҳбар буйруги билан масъул этиб тайинланган шахсга
21. топширилади.

**Яқуний қоидалар.**

Ушбу йўриқномага риоя қилмган ёки қасддан бузган ходимлар қонунда белгиланган тартибда ички меҳнат тартиби қоидаларини бузган деб ҳисобланиб, интизомий жазо қўлланишига сабабчи бўлади

Меҳнат муҳофазаси бўйича масъул.:

(имзо)

(ФИШ)